

ЁШЛАРНИ МАЪНАВИЯТ —МАЪРИФАТ РУҲИДА ТАРБИЯЛАШ ДОЛЗАРЪ ВАЗИФАМИЗДИР.

Улдона Маматалиева

Сурхондарё вилояти Денов туманидаги

33-мактабнинг Бошлангич синф ўқитувчиси.

Аннотация: Инсоният, маънавият, маърифат, аجدодлар, халқ, терроризм, экстримизм, барқарорлик, ғоя, мафкура, миллий ғоя.

Калит сўзлар: Маънавият, маърифат, миллий ғоя, мафкура, терроризм, экстримизм.

Ҳаммамизга маълумки, ерга уруғ бир кун кеч сепилса, деҳқон ҳосилни бир ҳафта ёки ўн кун кейин ўриб олади. Маънавий тарбияда ҳам бир кун кеч қолиш, бир зум бўлса-да, огоҳликни қўлдан бой бериш тузатиб бўлмас хатоларга олиб келиши аниқ. Шу боисдан давлатимиз раҳбари йиғилишларда: **“Терроризм, экстремизм, трансмиллий ва кибер-жиноятчилик, одам савдоси, наркотрафик каби таҳдидлар хавфи ошиб бормоқда. Баъзи ҳудудларда атайин беқарорлик юзага келтирилиб, норозилик кайфияти авж олдирилмоқда. Бундай таҳликали вазиятда хушёр ва огоҳ бўлиб, халқимизнинг тинчлиги, мамлакатимиз манфаатларини ўйлаб яшаш зарур”**, дея эътироф этадилар. Ҳадиси шарифлардан бирида маънавиятга алоҳида тўхталиб уни, **“Мўмин мўминнинг кўзгусидир”** деб эътироф этишгани ҳам бежиз эмас. Қалблари илм-маърифат нуридан мунаввар бўлган кишилар ғайриахлоқий хатти-ҳаракатлардан тийилиб, кибрга, ҳою ҳавасга берилмай, белларига камтаринлик белбоғини боғлаб яшагани сир эмас. Улуғ алломаларимизнинг бизларга қолдирган маънавий меросида бу борада кўп ҳикматли ҳикоятлар бор. Маърифатли, зиёли кишиларнинг ибратли ҳаёти, илмий хазинаси дунё тамаддуни саҳифаларини ҳамон машъала янглиғ ёритиб келади.

Халқимизнинг табиати ва тарихий тажрибасидан келиб чиққан ҳолда, маънавий тарбия ва маънавий комиллик миллий истиқлол ғоясининг муҳим талабига айланди. Ҳар бир инсон ўз айбини, нуқсонларини ойнада қандай кўрса, бошқа бир инсонлар учун ҳам худди шундай. Ойнага қарамасдан туриб, киши юзидаги айбини, нуқсонини кўролмаганидек, мўминлар ҳам ўзаро бир-бирларини, айниқса, ёшларни турли хуружлардан, экстремистик оқимларнинг кирдикорларидан, маънавиятимизга, маърифатимизга зид ҳар қандай ҳолатдан огоҳ қилишлари шарт.

- Унутмаслигимиз керакки, маънавият ҳамда маърифат жамият ҳаёти билан барҳаётдир,- дейди мактаб директори Мусо Ҳолтўраев.- Шу боисдан ҳам маънавиятли бўлиш, маърифатга интилиш ҳар биримизнинг олдимизда турган муҳим масалалардан биридир.

Бугун дунёнинг у ёки бу мамлакати, у ёки бу қитъаси эмас, бутун ер юзи турли талатўплар гирдобида қолаётган, қонли можаролар, босқинчилик ҳаракатлари ва, ниҳоят, жумлаи жаҳонни титратган коронавирус пандемияси пайтида умумтирикликни, тинч-тотув ҳаётни, иқтисодий барқарорликни, эртанги кунимизни сақлаб қолишнинг ягона нажот йўли — маънавиятни асрашдир. Фақат шу фазилат билангина омон қолиш мумкин. Ортимиздан келаётган ёш авлод тарбиясига бир кунлик эътиборсизлик, талабчанликнинг бир зум сусайиши ҳам жиддий муаммоларга олиб келади. Бу сабоқ, айниқса, бугун — ёшлар онги ва қалбини эгаллаш учун кураш дунё миқёсида кучаяётган бир пайтда янада муҳим аҳамият касб этади. Тарихдан ҳам маълумки, аждодларимиз фарзанд тарбиясига, уларнинг келажагига алоҳида эътибор қаратганлар. Хусусан, бу ҳақда ўз асарларида сўз юритмаган, эътироф этмаган аллома бўлмаса керак. Тиб илмининг султони Абу Али Ибн Сино ўз асарларидан бирида: **“Бола хулқини мўътадилликда сақлашга алоҳида эътибор бериш керак, бунга болани қаттиқ ғазабланиш, кўрқиш, уйқусизликдан сақлаш орқали эришилади. Ғазаб кучни қиздиради, қайғу кучни оздиради, хафалик беғамликка мойил қилади. Хулқнинг мўътадиллиги натижасида ҳам нафс, ҳам бадан соғлом**

бўлади”, дея таъкидлаган. Дарҳақиқат, шуни ҳам таъкидлаш керакки, иқтисодий тазйиқларни бир қарашда сезиш мумкин, аммо мафкуравий-маънавий тазйиқни кўриш, сезиш осон эмас. Бунинг учун ҳам инсон маънавиятли, маърифатли бўлиши лозим. Бу офат турли кўринишларда халқ, айниқса, ёшлар ҳаётига, турмуш тарзига, онгу шуурига аста-секин кириб келади, фикру зикрини эгаллаб олади. Бузғунчи кучлар ҳамда ғоялар, бир қарашда ўта беозор кўрингани билан, таъсир кучи ғоят самарали воситалардан фойдаланади. Ҳаётий тажрибаси оз, суяги қотмаган ёшлар атрофида турли “маслаҳатчи”лар, йўл кўрсатувчи “жонкуяр” мураббийлар, ҳар ишга қодир “ҳомий”лар пайдо бўлиб қолади. Хулоса ўрнида айтиш жоизки, бугунги таҳликали даврда маънавият ва маърифат фақат шу соҳа ходимларининг, ўқитувчи ва мураббийларнинггина эмас, балки барчанинг бурчи бўлиши лозим. Унутмаслигимиз керакки, **“Ҳеч бир ота-она ўз фарзандига гўзал тарбиядан кўра буюк мерос қолдира олмайди”** ҳадиси шарифи ва халқимизнинг: **“Бир болага етти маҳалла – ота-она”** мақолига амалда риоя қилсак, ҳеч қандай куч маънавиятимизга раҳна сола олмайди.

Фойдалангилган адабиётлар рўйхати:

1. **Аҳмаджон МЕЛИБОЕВнинг Маънавият — янги уйғониш сари йўл... мақоласи,**
2. **Янги Ўзбекистон газетаси.**